



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 14-avgust, payshanba,
92 (24.118)-son

**O'zbek xalq
maqoli**

Arzon bo'lsa,
oluvchidan insof
ketar,
qimmat bo'lsa -
sotuvchidan

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



VATAN UCHUN, MILLAT UCHUN, XALQ UCHUN!

Xalq deputatlari Samarqand viloyati Kengashining
F A R M O Y I S H I

Xalq deputatlari viloyat Kengashining yettinchi chaqiriq, o'n oltinchi sessiyasini chaqirish to'g'risida

**“Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi
O'zbekiston Respublikasi Qonunining
162-moddasiga asosan,**

1. Xalq deputatlari viloyat Kengashining navbatdagi,
o'n oltinchi sessiyasi **2025-yil 15-avgust kuni**
chaqirilsin.

2. Sessiya kun tartibiga quyidagi masalalar kiritilsin:
viloyatda kriminogen vaziyatni yaxshilash, ji-
noyatlarning barvaqt oldini olish, omillarni bartaraf
yetish yuzasidan ko'rilgan choralar bo'yicha viloyat
prokurori M.Eshnazarovning axboroti;
“Zarbdor tajribasi” asosida hududlar iqtisodiy
o'sishiga turtki beruvchi 2-bosqich drayver loyihalari
infratuzilmasini moliyalashtirish to'g'risida;

Samarqand viloyati tumanlaridagi ayrim mahalla
fuqarolar yig'inlarining bosh rejalari va unga tutash
mahallalarni shaharsozlik jihatidan rivojlantirish sxema-
larini tasdiqlash to'g'risida;

o'zboshimchalik bilan egallab olingan yer uchast-
kalari hamda ularda qurilgan binolar va inshootlarga
bo'lgan huquqlarni e'tirof etish to'g'risida;

jamoat ehtiyojlari uchun yer uchastkalarining olib
qo'yilishiga ruxsat berish to'g'risida;

yuridik shaxslarning mol-mulk solig'i, yer solig'i va
suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq to'lash
muddatini kechiktirish (bo'lib-bo'lib to'lash) to'g'risida;

viloyat hokimining ayrim qarorlarini tasdiqlash
to'g'risida;

boshqa masalalar.

Kengash raisi

SH.NEGMATOV

2025-yil 12-avgust



**Вилоят ҳокими вазифасини
бажарувчи Адиз Бобоев вилоятдаги
олий ўқув юртлари ректорлари
билан учрашиб, 8 август кун
давлатимиз раҳбари томонидан
ўтказилган йиғилишда белгилаб
берилган вазифалар, олий ўқув
юртларида таълим сифатини
ошириш, битирувчилар бандлигини
таъминлаш ва бу борада иш
берувчилар билан ҳамкорлик
масалаларини муҳокама қилди.**

Бугунги кунда вилоятимиздаги 19 та олий таълим
муассасасида 102 минг нафарга яқин талаба 324 таълим
йўналишида тахсил оламоқда. Жумладан, 13 та давлат
олий таълим муассасасини 19 минг нафар ёшлар битир-
ди. Эндиликда уларнинг бандлиги таъминлаш, умуман,
талабаларни рақобатбардош мутахассислар қилиб тайёр-
лашга алоҳида эътибор қаратиш керакки, эртага меҳнат
бозорига кириб келганда қийинчиликка дуч келмасин.

**Адиз
БОБОВ,
вилоят
ҳокими
вазифасини
бажарувчи:**

**- Халқ ҳокимларнинг телефон рақамини билиши керак. Ҳар бир ҳоким ўзи
ёнида олиб юрадиган телефон рақамини аҳолига эълон қилиши, одамлар билан
доимий мулоқотда бўлиши лозим. Ана шунда аҳоли ўз ҳудуди раҳбари билан
беvosита мулоқот қила олади, дардларини айтади. Бу давлат органларига
мурожаатларни ҳам тартибга солади, муаммолари масалалар камайд.**

БИЛИМЛИ МУТАХАССИСГА ИШ ТОПИЛАДИ

– Энди иш берувчининг биринчи талаб диплом эмас,
билим, касбга доир кўникма, малака ҳисобланади, – деди
А.Бобоев. – Табиийки, мутахассисларнинг кўп бўлиши
тайёрланаётган кадрлар ўртасида рақобатни оширади.
Олий ўқув юртлари биринчи курсданок талабалар онгига
ана шу фикрни сингдирган ҳолда мутахассис тайёрлашга
эътибор қаратиши лозим. Қайси университет, институт
билимли мутахассис тайёрласа, битирувчилари кўпроқ
ишга жойлашса, унинг нуфузи, салоҳиятига шунга қараб
баҳо берилади.

Шунингдек, мулоқотда янги ўқув йилига тайёргарлик,
ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари қурилиши,
хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиكنи
кенгайтириш, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувват-
лаш, фундаментал илмий тадқиқотларни жадаллаштириш
хусусида сўз юритилди.

Учрашувдан сўнг вилоят ҳокими Самарқанд давлат
университетининг яна бир янги ўқув биноси, бу ерда
талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган
шароит ва имкониятлар билан танишди.

**Бу давлатимиз раҳбарининг
шу йил 7 август кун қабул
қилинган “Самарқанд
вилоятини 2030 йилга
қадар ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги
қарориди белгилаб берилди.**

Вилоятимизда замонавий менежмент та-
моиллари ҳамда давлат тадбиркорлик субъ-
ектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик
таъминини жорий этиш, мавжуд ресурслардан
самарали фойдаланиш, вилоятнинг ижтимоий
инфратузилмаси ва меъморий қиёфасини ях-
шилаш, шунингдек, аҳоли учун қулай ҳудуд-
лар ва яшил зоналарни кўпайтириш мақсади
кўзланган қарор билан вилоятни 2030 йилгача
ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсат-
кичлари белгиланди.

Жумладан, sanoat ва хизматлар соҳасида
жами 6,8 миллиард АҚШ доллари эквивалентида-
ги лойиҳаларни амалга ошириш, sanoat, хизмат-
лар ва туризм экспорти ҳажминини 3,5 миллиард
АҚШ доллари етказиш, муҳандислик-комму-
никация тармоқларини кенгайтириш ва тўлиқ
модернизация қилиш, қўшимча 6,2 минг гектар
яшил ҳудудлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Қарорга кўра, вилоятимизда давлат ва
тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро
манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция
лоийҳаларини амалга ошириш ва вилоят
инфратузилмасини яхшилаш учун вилоят
ҳокимлиги муассислигида давлат ва тадбиркор-
лик субъектлари ўртасида кўприк вазифасини
бажарувчи **“Самарқанд Инвест компанияси”**
акциядорлик жамияти ташкил этилади.

Вилоят инфратузилмасини ривожлантириш-
га қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш,
аҳолининг кундалик ҳаётидаги коммунал ва
бошқа соҳалардаги кечиктириб бўлмайдиган

**2030 йилда ялпи ҳудудий
маҳсулот ҳажми
165 триллион сўмга етказилади**



ган масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик
инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси
**“Самарқанд вилоятини ривожлантириш
жамғармаси”** деб қайта номланади ва мазкур
жамғарма маблағларини бошқариш ҳуқуқи “Са-
марқанд Инвест компанияси”га берилади.

– Шу йилнинг 30 июль кун вилоятимизда
ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар
юзасидан давлатимиз раҳбарига ахборот бе-

рилганда шу пайтгача амалга оширилган ишлар
таҳлил қилиниб, олдимишга турган вазифалар
белгилаб берилганди, – дейди **вилоят ҳокими
ўринбосари Рустам Қобилов**. – Вилоятимиз
ҳокими томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисо-
дий ривожлантириш юзасидан илгари сурилган
ташаббусларни Президентимиз қўллаб-қув-
ватлаб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйи-
ча кўрсатмалар бердилар. Ҳар бир туман ва
шаҳарнинг инвестицион жозибадорлиги ва

экспорт имкониятларини тенгма-тенг ошириш
зарурлиги таъкидланганди. 7 август кун қабул
қилинган қарорда эса тақдимотда билдирилган
ташаббуслар, вазифалар асосида 2030 йилга-
ча бўлган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди.
Хусусан, **ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми
жорий йил якунида 109 триллион сўмга,
2026 йилда 119 триллион, 2027 йилда 129
триллион, 2028 йилда 140 триллион, 2029
йилда 152 триллион ва 2030 йилда 165
триллион сўмга** етказилади. Sanoat ишлаб
чиқариши ҳажми 2030 йилгача икки баробар
оширилади ва ҳозирги **46 триллион сўмдан
90 триллион сўмга етади**. Товар ва хизмат-
лар экспортини амалдаги **716 миллион АҚШ
долларидан 1 миллиард 500 миллион дол-
ларга** етказиш кўзда тутилган.

Болаларнинг мактабгача таълимга қамрови
71 фоиздан 85 фоизга оширилади. Олий
таълимга қамров ҳозирги **46 фоиздан 60 фо-
изга етади**. Худди шундай бошқа йўналишлар,
инфратузилма билан лойиҳалар ҳам келгуси беш
йилда босқичма-босқич ошириб борилади ва ви-
лоятимиз аҳолисининг **камбағаллик даражаси
ҳозирги 7,5 фоиздан 3 фоизга туширилади**.

Туризм соҳасида ҳам барқарор ўсиш сурат-
лари таъминланиб, маҳаллий сайёҳлар сонини
2,4 миллиондан 4,61 миллионга, хорижлик
туристларни эса **2,1 миллиондан 4,11 мил-
лион** нафарга етказиш режалаштирилган.

– Шу соҳага масъул сифатида айтишим мум-

Президент қарорига кўра



кинки, бу кўрсаткичларга эришиш учун вилояти-
мизда имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли. Агар
белгиланган режалар, лойиҳаларни ўз вақтида,
сифатли амалга оширсак, сайёҳлар оқими бундан
ҳам ошиши мумкин, – дея сўзида давом этади
Р.Қобилов. – Чунки, бундан беш йил олдин Са-
марқандга келадиган сайёҳлар 100 минг нафарга
ҳам етмаган бўлса, кейинги йилларда Президен-
тимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратил-
ган алоҳида эътиборлари, туризм соҳаси билан
шуғулланувчи субъектларнинг фаол қўллаб-қув-
ватланиши, виза тартибларининг соддашти-
рилиши натижасида бугун статистик рақамларда
“миллион”лардан фойдаланялмиш. Хусусан,
жорий йилнинг биринчи ярмида Самарқандга **1,5
миллион нафар хорижлик, 3 миллиондан
ортиқ маҳаллий сайёҳ келди**. Йил бошидан
буён Самарқанд халқаро аэропорти орқали яқин
ва узоқ хорижий мамлакатларнинг **6 та шаҳрига
тўғридан-тўғри мунтазам авиа қатновлар
йўлга қўйилди**. Йил якунига қадар яна тўртта
шаҳарга янги йўналиш очилиши кутилмоқда. Ту-
ризм соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик
субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қув-
ватланиши ва солиқ имтиёзлари берилиши
натижасида жорий йилнинг **олти ойида вило-
ятда 11 та меҳмонхона, 47 та хостел, 72 та
оилавий меҳмон уйи очилди**. Йил якунигача
Самарқанднинг **туризм экспортини 600 мил-
лион долларга** етказиш кўзда тутилган.

Қарор билан вилоятимизни 2030 йилгача
ривожлантиришнинг асосий мақсади кўрсат-
кичлари, асосий йўналишлари, “Самарқанд Ин-
вест компанияси” “Самарқанд Инвест компани-
яси” АЖ фаолиятининг устувор йўналишлари,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Самарқанд вило-
ятини ривожлантириш жамғармаси маблағла-
рини шакллантириш манбаалари ва сафлаш
йўналишлари тасдиқланди.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

MUSTAQILLIK MOHIYATI

Sohalar taraqqiyoti, odamlar taqdirida

Bosib o‘tilgan
yo‘lga nazar

Gugurt narxi va boshqa maishiy masalalar bilan mustamlaka davrini og‘zining tanobi qochib eslaydiganlardan biri bilan bir necha kun hamsafar bo‘lishga to‘g‘ri keldi. Rost, balki shu odam bo‘lmaganida istiqlol va uning mohiyati haqida qog‘oz qoralashimga zarurat sezmasdim. Bugungi ijtimoiy-siyosiy manzarini bir qur tahlil qilib ko‘rmasdim...

Zotan, mamlakatimiz ijtimoiy-siyosiy manzarasi 35 yil avvalgidan butunlay o‘zgargan. Chunki mustaqillik yillarida jamiyatimizning siyosiy va ijtimoiy sohalarida katta o‘zgarishlar ro‘y berdi. Bu davrda mamlakatimiz sovet tuzumidan mustaqil davlatga aylandi, Konstitutsiya qabul qilindi, fuqarolik jamiyati va inson huquqlarini hurmat qilish tamojillari shakllandi. Bugungi kunda O‘zbekiston o‘z taraqqiyot yo‘lini tanlab, ochiq va jadal rivojlanayotgan mamlakat sifatida dunyo hamjamiyatida munosib o‘rin egallamoqda.



SOVET DAVRIDAN BOSHLAB ...

1991-yil 31-avgustda O‘zbekiston o‘z mustaqilligini e‘lon qilgan. Bu tarixiy sana mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotida burilish nuqtasi bo‘lgani yangilik emas. Lekin ayni shu yillarni ko‘rganlar biladi: 1990-yillarda mamlakatda bir partiya tuzum, senzura, so‘z erkinligining cheklanganligi hukm surgandi. Bugungi kunda ko‘p partiya tizimi, saylovlarning ochiq-oshkora o‘tishi va fuqarolik jamiyati institutlarining rivojlanishi kabi yangiliklarni sanashga kun yetmaydi.

Darvoqe, so‘nggi yillarda mamlakatda inson huquqlari, fuqarolik erkinliklari, sud-huquq tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar jahon hamjamiyati tomonidan e‘tirof etilmoqda. Ilgari tanqidiy fikrlar cheklangan, so‘z erkinligiga to‘siqlar bor edi. Hozirgi kunda jurnalistika, blogerlik va jamoatchilik nazorati faollashmoqda, ommaviy axborot vositalari erkinroq faoliyat yuritmoqda.

IJTIMOIIY HAYOTDAGI O‘ZGARISHLAR

Ijtimoiy sohada ham katta o‘zgarishlar ro‘y berdi. Ilgari fuqarolarning hayoti davlat tomonidan to‘liq nazorat qilinardi, shaxsiy tashabbuslar cheklangan edi. Bugun esa yoshlar, ayollar va norasmiy sektorning faolligi oshgan, tadbirkorlik, ta‘lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat va boshqa sohalarda keng imkoniyatlar yaratilgan.

Ma‘lumotlarga ko‘ra, viloyatda so‘nggi 7 yilda oliy ta‘lim muassasalari soni 7 tadan 19 taga yetgan. Talabalar soni ham shunga mos ravishda 24 ming nafardan 101 ming 710 nafarga oshgan. Oliy ta‘limga qamrov 9 foiz emas, 45 foiz bo‘lgan.

Imkoniyat bo‘lsa, shuncha bo‘lmaydimi?!

Bundan tashqari, joriy yilda viloyatdagi maktab bitiruvchilaridan 177 nafari muddatidan oldin xorijiy oliy ta‘lim muassasalariga grant va kontrakt asosida o‘qishga qabul qilingan.

Ilgari Toshkentda o‘qishga kirib-kirolmagan xalqimiz farzandlariga mustaqillik bergan ne‘mat dunyan ortiq bo‘lishi mumkinmi?

XALQARO HAMKORLIK YOKI O‘ZGARISHLAR O‘ZAGI

35 yil avval O‘zbekiston tashqi dunyodan deyarli uzilgan edi. Bugun esa mamlakatimiz jahonning ko‘plab davlatlari bilan siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalar o‘rnatgan. O‘zbekiston Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Shanxay Hamkorlik Tashkiloti, Islom Hamkorlik Tashkiloti kabi nufuzli xalqaro tuzilmalarda faol ishtirok etmoqda.

Eng muhimi, mustaqillik, islohotlar va axborot texnologiyalari ta‘sirida jamiyat ongida ham jiddiy o‘zgarishlar yuz berdi. Fuqarolar o‘z huquq va majburiyatlarini yaxshiroq anglamoqda, davlat ishlariga nisbatan faolroq munosabat bildirishmoqda.

Shu o‘rinda bir gap. Asli narpaylik bo‘lgan ijodkor O‘ktam Mirzayorning aytishicha, 70-80-yillar poytaxtga o‘qishga borgan. O‘sha kezlarda hamqishlog‘ini Toshkentdagi tramvaylarning birida ko‘rib qoladi. U avtoulovning ikkinchi uchida bo‘lgani uchun “hoy falonchi, yaxshimisan, O‘ktamman”, degani uchun rus konduktori unga jarima to‘latgan. Albatta, ish ichki ishlar idoralari aralashuvi bilan bo‘lgan.

Bugun bunday huquqsizlar faqat tarix qatlarida qoldi...

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytish mumkinki, so‘nggi 35 yilda O‘zbekiston ijtimoiy-siyosiy jihatdan mutlaqo yangi manzara kasb etdi. Sovet mafkuraviy tizimidan mutlaqo farq qiluvchi yangi siyosiy muhit, fuqarolik jamiyati, inson huquqlari himoyasi va tashqi dunyoga ochiqlik bugungi O‘zbekistonning yuzidir.

To‘g‘ri, hali oldimizda yana ko‘plab vazifalar turibdi, ammo eng asosiysi — taraqqiyotga yuz tutgan bu yo‘l barqaror va uzluksiz bo‘lib qolmoqda.

Y.MARQAYEV.

1999-yilda SamDuning fizika fakultetini bitirib, maktabga ishga kirdim. Ko‘p vaqt o‘tmasdan yosh kadrlarga bo‘lgan e‘tibor tufayli maktab direktorligiga saylashdi. Ammo ichimda nimalarnidir yaratishga, odamlarning og‘irini yengil qilishga intilish kuchli edi.

Shu o‘ylar bilan 2003-yilda ta‘limdan ketdim va ukam bilan birgalikda tegirmon ochdik. O‘sha paytlarda qishloq joylarda odamlar ish, pul topishga qiynalardi. Hozirgiday non va oziq-ovqatning sarasini olishni aytmasa ham bo‘ladi. Xullas, tegirmonda un tayyorlab ko‘p sotolmadik, keyin un va un mahsulotlari sohasiga qiziqib, makaron ishlab chiqarib sotish g‘oyasini o‘yladim. Buning uchun zarur bo‘ladigan uskunalarni 50 ming dollar atrofida pulga sotib olsa bo‘larkan. Menda esa buncha pul yo‘q edi. Shu bois, fizikada o‘rganganlarimni ishga solish uskunalarini o‘zim yasashga qaror qildim. Dastlab ko‘p urinib kichiklana shunday uskunani yasadim. Keyinchalik kuniga 5 tonna unni qayta ishlaydigan katta uskuna yasadim. Internetdan solishtirib ko‘rsam men yasagan uskuna Ukrainaning

Mustaqillik tayanch,
ishonch va umid berdi



“BIT” korxonasida 55 ming dollardan sotilayotgan ekan, menga esa bu uskunalar o‘rtacha 20-25 ming dollarga tushdi va “tishlari”ni Toshkentda tayyorlatdim. O‘g‘lim xorijda o‘qirdi va uni ko‘rish uchun borib, shu turdagi uskunalar ishlab chiqarishni o‘rgandim.

O‘sha paytlarda elektrdagi uzilishlar tufayli qishda to‘xtalishlar ko‘p bo‘lardi, mahsulot sifati buzilardi, buning ustiga ijara asosida ishlaymiz, bu ham ancha qiyinchilik tug‘dirdi. Shu muammoga yechim topish uchun 2016-yilda tumaning Tinchlik mahallasidan uzluksiz elektr liniyasi bor joydan yer sotib olib, qurilish qildik va ishni boshladik.

O‘g‘illarim axborot texnologiyasi, tarmoq tizimlari, sun‘iy intellekt sohalarida o‘qidi, shu sohalarda mehnat qilmoqda. Ularning g‘oya va maslahatlari bilan inson omili-

siz ishlaydigan va kam energiya sarflab, ko‘p mahsulot chiqaradigan uskunalar yasadik. Shu tariqa 6 nafar ishchi bilan kuniga 3 tonna 30 xildan ortiq makaron mahsuloti tayyorlab, ichki bozorga sotaymiz. Hamkor korxonalarimiz bizning mahsulotimizni o‘zining yorlig‘i bilan qo‘shni davlatlarga ham eksport qilyapti.

Kommunikatsiyadagi bitta uzilish tadbirkorga katta zarar yetkazadi. Elektr energiyasi tanqislashgani esa xavotirni kuchaytiradi. Shu bois keyingi yillarda qayta tiklanuvchi manbalardan elektr energiyasi ishlab chiqarish ustuvor vazifaga aylandi. Shu paytlarda tuman hokimi barcha tadbirkorlar qatori bizga ham hech bo‘lmaganda 5 kVt quvvatli quyosh fotoelektr stansiya qo‘yishimizni aytdi. Ishonasizmi o‘sha paytda yomon ko‘rib ketardim. Shunday qilib panel o‘rnatdik, qarasam bu juda foydali tizim ekan. 2023-2025-yillar oraliq‘ida Islomiy moliya tashkilotining “Salam” shartnomasi asosida 312 ming dollarlik 1070 ta panel o‘rnatdik. Hozir kuniga 3 ming kVt soat elektr energiyasi ishlab chiqaramiz va korxonamizga 600 kVt elektr sarflasak, qolganini davlatga – oyiga 55 million so‘mlik

elektr energiyasi sotaypmiz.

2023-yilda 5 kVt quvvatli quyosh fotoelektr stansiya o‘rnatib, elektr olib boshlagan paytlarimiz, aholi, tashkilotlar, tadbirkorlarda ham bu yo‘nalishga qiziqish kuchli va bizga ham o‘rnatish deguvchilar ko‘paydi. Shunday qilib, “Narpay spagetti” mas‘uliyati cheklangan jamiyati qoshida “Al Hidoyat biznes” ollaviy korxonasini tashkil etdik va Xitoydan zarur qurilmalarni keltirib, muqobil energiya ishlab chiqarish tarmog‘ini o‘rnatish xizmatini yo‘lga qo‘ydik.

Temiryo‘l bo‘yidagi korxonamiz yaqinidagi bo‘sh turgan maydon auksionga chiqarildi. Shu maydonni auksiondan yutib olsak, 2030-yilgacha 1,5 megavatt quvvatga ega fotoelektrstansiya o‘rnatishni rejalashtiraypmiz.

Shu mehnatlarimiz ortidan farzandlarim xorijda tahsil oldi, dunyo kezdi, o‘zim ham ko‘plab davlatlarida bo‘ldim, barcha arab davlatlarini aylanib chiqdim. Hozir ham xorijda o‘qiyotgan o‘g‘lim korxonamizdagi ish jarayonlarini 24 soat davomida kuzatib, kamchiliklarni aytib turadi. Gohida o‘ylayman, agarda tadbirkorga shuncha sharoit, imkoniyat yaratilmaganda, biz bu kunlarni tasavvur ham etolmasdik. Mustaqillik men uchun davlatning fuqarolarga tayanchi, ishonchi va umidini berdi.

Sobirjon ASHUROV,
“Narpay spagetti” mas‘uliyati cheklangan jamiyati rahbari.

Keyingi yillarda maktabgacha ta‘lim tizimida ijobiy o‘zgarishlar ro‘y bermiqda. Xususan, zamonaviy ta‘lim metodlarini keng joriy qilish, mavjud davlat bog‘chalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, nodavlat, davlat-xususiy sheriklik va oilaviy shakldagi nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlarini tashkil etish orqali maktabgacha yoshdagi bolalar qamrovini oshirishga zamin yaratildi.

Maktabgacha
ta‘lim tizimida
qamrov ortdi

Fakt va raqamlarga to‘xtaladigan bo‘lsak, 2025-yil 1-avgust holatiga viloyatda 392 672 nafar maktabgacha yoshdagi bolalarning 282 ming 462 nafari (71,9 foizi) maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga qamrab olingan.

Joriy yilda 106 ta maktabgacha ta‘lim tashkiloti yangidan ishga tushirildi. Ularning 7 tasi davlat, 9 tasi DXSh asosidagi va 90 tasi oilaviy nodavlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlaridir. Shu va boshqa quvvatlar hisobiga qo‘shimcha 15 ming 189 nafar bola maktabgacha ta‘lim bilan qamrab olindi.

Bugungi kunga qadar Ishtixon tumanida 36- (150 o‘rinli) va 30- (120 o‘rinli), Kattaqo‘rg‘on tumanida 69- va 70- (har biri 60 o‘rinli), Qo‘shrabot tumanida 34- (90 o‘rinli), Narpay tumanida 24- (90 o‘rinli) hamda Paxtachi tumanida 17- (120 o‘rinli) davlat Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari foydalanishga topshirildi.

Maktabgacha ta‘limning muqobil shakllarini yanada kengaytirish maqsadida bog‘cha yoshidagi bolalar qamrovini darajasi past bo‘lgan olis va chekka Bulung‘ur tumani 51-umumiy o‘rta ta‘lim maktabida 2 ta va 70-umumiy o‘rta ta‘lim maktabida 2 ta hamda Kattaqo‘rg‘on tumani 104-umumiy o‘rta ta‘lim maktabida 3 ta, 67-umumiy o‘rta ta‘lim maktabida 3 ta jami 10 ta guruhda “Aql-voy” loyihasi doirasida bolalarga zamonaviy talablarga javob beradigan ikkita avtobus ajratilib, 200 nafar bog‘cha yoshidagi bolaga ta‘lim-tarbiya berilishi yo‘lga qo‘yildi.

Shuningdek, Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi Jahon banki bilan hamkorlikda viloyatdagi 763 ta davlat maktabgacha ta‘lim tashkilotlariga 8 ming 150,0 million so‘mlik o‘yin maydonchasi hamda tayyorlov guruhlar uchun 18 ming 725,0 million so‘mlik stol-stullar yetkazib berdi.

Furqat JIYANOV,
viloyat maktabgacha va maktab ta‘limi boshqarmasi shu‘ba boshlig‘i.

Bir gal hakamlar, bir safar futbolchilar, yana birida murabbiylar xatolari yoki boshqa jihatlar sabab qilinib, futbolchilarimizning jahon chempionatiga chiqish orzusi ortga surilaverardi. Mundialga chiqish bu nafaqat bir o‘yin yoki bir mavsumdagi muvaffaqiyat, balki uzoq muddatli, tizimli va kompleks ishlar natijasidir.

Joriy yilning 5-iyun kuni Abu-Dabi shahrida futbol bo‘yicha 2026-yilgi jahon chempionati saralash bosqichi 9-turidan o‘rin olgan “Birlashgan Arab Amirliklari va O‘zbekiston terma jamoalari o‘rtasida uchrashuv bo‘lib o‘tdi. Bahs 0:0 hisobida yakunlandi va Temur Kapadze murabbiyligidagi futbol bo‘yicha O‘zbekiston milliy terma jamoasi “A” guruhida 18 ochko to‘plab, ikkinchi o‘rin bilan Amerikada bo‘lib o‘tadigan jahon chempionatiga yo‘llanmani qo‘lga kiritdi. Bu 30 yil orziqib kutilgan natija sifatida baholandi. Chunki O‘zbekiston milliy terma jamoasi 1994-yildan jahon chempionatiga chiqish uchun dastlabki harakatlarni boshlagan. Xususan, futbolchilarimiz bugunga qadar jahon chempionatining 7 ta saralash bosqichida ishtirok etgan va turli bosqichlarda musobaqadagi ishtirokini erta yakunlagan.

O‘zbekiston olimpiya terma jamoasi Parij-2024 yozgi Olimpiya o‘yinlariga ham Temur Kapadze murabbiyligida ilk bor ishtirok etgan edi. Albatta, mundialga ham aynan o‘zbekistonlik murabbiy qo‘l ostida chiqqanimiz tarixiy voqea bo‘ldi. Ushbu natijada milliy jamoamizning sobiq bosh murabbiyi sloveniyalik Srečko Katanecning mehnatlari ham katta. Sababi, keyingi paytda milliy terma jamoa tarkibining asosiy

34 yillik
orzu ushaldi

O‘zbekiston jahon chempionatida



fundamenti aynan mazkur mutaxassis tomonidan tashkil etilgan edi.

Albatta, bu natijaga erishish oson bo‘lmadi. Uzoq yillik alamlar mag‘lubiyatlardan so‘ng yurtimizda futbolni yanada rivojlantirish masalasiga jiddiy e‘tibor qaratila boshlandi. Jumladan, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan futbolni ommalashtirish, yosh avlod orasida sportga qiziqishni oshirish, xalqaro musobaqalarda munosib ishtirok etadigan terma jamoalarni shakllantirish maqsadida tizimli ishlar amalga oshirildi. Xususan, joylarda futbolchilarni tayyorlash maktablari, klub va akademiyalar ochildi. Murabbiylar malakasini oshirish uchun xorijiy mutaxassislar bilan hamkorlik qilindi, ularning tajribasi va bilimlaridan foydalaniladi. Zamonaviy stadionlar, mashg‘ulot maydonlari va tibbiy markazlar qurildi. Hukumat va sport tashkilotlari tomonidan futbolga katta e‘tibor berilib, moddiy va ma‘naviy yordam ko‘rsatildi.

Keng ko‘lamli va tizimli ishlar natijasida O‘zbekiston futbolining turli yosh toifalaridagi jamoalari xalqaro arenalarda munosib natijalarga

erisha boshladi. Quvonarlisi, so‘nggi yillarda U-17, U-20 va U-23 terma jamoalarimiz jahon chempionatlari va Olimpiadaga chiqishdek yuksak natijalarga erishdi. Xususan, joriy yilning 20-aprel kuni Islombek Ismoilov boshchiligidagi O‘zbekiston U-17 o‘smirlar terma jamoasi futbol bo‘yicha Osiyo kubogi finalida Saudiya Arabistonini 2:0 hisobida yengib, ikkinchi marta Osiyo chempioni bo‘ldi va Qatarda o‘tkaziladigan jahon chempionatiga yo‘llanma oldi. Ushbu jamoa tarkibida samarqandlik yosh futbolchilar Amirxon Murodov va Faridjon Abdullayevning ham borligi yanada quvonarli.

O‘zbekiston futbolining zamonaviy falsafasi, milliy sport tizimining barkamolligi va murabbiylik maktabi endilikda jahon chempionati kabi eng yirik musobaqalarda o‘z samarasini bermiqda. 2026-yil AQSH, Meksika va Kanadada o‘tkaziladigan mundialda O‘zbekiston bayrog‘i birinchi marta ko‘tarilishi nafaqat milliy sportimiz, balki mustaqilligimiz, xalqimiz va yoshlarimizga berilgan yuksak ishonchning amaliy ifodasi bo‘ladi.

Fazliddin RO‘ZIBOYEV.

“Зарафшон” газетасининг жорий йил 22 июль, 83-сонида чоп этилган “Тошбакалар жанги” сарлавҳали мақоламнинг давомини ёзишни сўраб, қўнғироқ қилишди. Ҳақиқатан, бугунги воқеалар оқимининг барча қатламларини битта мақолада ёритиб бериб бўлмаслиги тўфайли айтилиши лозим бўлган кўп гаплар қолиб кетганди. Аввало, жониворлар одамларга қараганда тантироқ жанг қилади. Уларда мантиқий фикр бўлмаганлиги боис фақат ва фақат ўз жисмоний кучларига таянади, холос.

НАЖОТКОР “ТЕМИР РИЦАР”
Одамзод-чи? У ҳалол курашдан иложи борица, қочади (яккама-якка олишув мусобақалари бундан мустасно). Одамларнинг рақибини маҳв этиш борасидаги биринчи қуроли тош билан калтак бўлганлиги аниқ. Ундан кейин найза, ўқ-ёй, қилич ва манжанақ ўйлаб топилди. Ўрта асрлардаги тирик қуроллар - рицарлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Улар дастлабки камикадзе - жангчилар бўлиб, ғалаба учун ўлимга тик қараган. Темир совут, ўткир найза ва дулдул от ғалабанинг чинакам гарови бўлиб, кейин-чалик рицарлар ҳақидаги дostonлар, қасидалар ва романлар жаҳон адабиётининг нодир дурдоналарига айланди. Масалан, Сервантеснинг “Дон Кихот” романи ҳозиргача дунёдаги энг оммабop китob сифатида биринчилиكنи қўлдaн бермай кeлmoқдa.
Кейинги даврдаги жангларда нефть ва порохли қуролларнинг қўллaниши муқаррар ғалаба воситa-ларига айланди. XX аср бошларига кeлиб, фaн-тeх-никa инкилoбининг самараси ўларoқ, пулемёт ҳамдa кўпoтaр милтикълар пaйдo бўлди. Иккинчи жaҳoн урушидa танклар ва авиaциядaн кeнг фойдалa-нилди. Қарabsизки, зум ўтмай, инсоният бy бopадa финиш чизигигa чиқиб олди - aтoм қуроли яратилди. Аммо унинг дахшaтини кўриб, барчaнинг капaлa-ғи учди. Шундай бўлса ҳам ҳар эҳтимолга қарши, йирик давлатлар бир-бирини кўрқитиш учун aтoм бoмбaсини ясаб қўйди.
Мана, энди XXI аср бошлaниши билан “тeмиртaн рицарлар” дaври бoшлaнди. 2001 йил 11 сeнтaбрь куни фуқарo учoғи ёрдамидa AҚШнинг юрaғига найзa урилди. Нью-Йорк шaҳридаги икки эгизoс oсмoнўпaр бoғoғa уюштирилгaн ҳужум инсониятни янги хaтaрдaн бoғoқ қилди. Aфғонистoн ва Иpoқдa мувaффақиятли синовдaн ўтгaн “тeмир рицар” - дpoнлар ўзининг ўтa самарали қурoл экaнлигини кўрсaтиб қўйди. Қорaбoғ учун бўлгaн жанглардa Түркиядa ишлaб чиқарилгaн дpoнлар Oзaрбайжoн армиясининг ғaлaбaсини тaъминлaди. Oзaрийлар қирқ бeш кун ичидa Россия тoмoнидaн тиш-тирнoғ-гaчa қурoллaнтирилгaн армaн армиясини дpoнлар ёрдамидa тор-мор қилиб, янчиб тaшлaди. Кейинчa-лик “тeмир рицарлар” Укpaинaдa дунёнинг иккинчи кучли армиясининг хуружини ҳам тўхтaтиб қўйди.
Тaсaввур қилинг, бир нeчa юз дoллaр турaдигaн учувчисиз учoқлар душмaннинг миллиoн дoллaрлик мураккaб ва қиммaтбaҳo қурoллaрини бир-икки дaқиқaдa керacиз тeмир-тeрсaккa aйлaнтириб қўй-моқдa. Бу бopадa дpoнлар иқтисoдий жиҳaтдaн жуда самарали экaнлигини тўлиқ исботлaди. Буни aлбaттa, россияликлар ҳам пaйқaб қoлди. Хитoй вa Эpoн кўмaғидa минглаб дpoн ишлaб чиқaрaдигaн йирик зaвoдлар қурилди. Аммо энди бoй бeрилгaн вaқт вa имкoниятни oртгa қaйтириб бўлмасди.

БАРБОД БЎЛГАН “БАРБАРОССА”
Ушбу урушда рус қўмондонлиги тузган режа анчайин пухта эди. Бундан хабардор бўлган АҚШ разведкаси америкаликларга Украинага бормаслиқни тавсия қилди. Буюк Британия эса ҳар эҳтимолга қарши, президент Зеленскийга Киевни тарк этишни маслаҳат бериб, ўз хомиясига олишни ваъда қилди. Режа бўйича Беларусь орқали Киевга бостириб кирган штурмчилар аэродромни қўлга олиши, десантчилар



ҳамда ҳарбий техника ортилган самолётларни қабул қилиши лозим эди. Десантчилар ўз навбатида Киевда-ги ҳукумат идоралари ва муҳим иншоотларни эгал-лашлари кўзда тутилганди. Шу тариқа қочиб кетган ҳукумат ўрнига Москвада тайёрланган одамлар ҳоки-мат тепасига келиб, Украинада “денацификация” ва “демилитаризация” тадбирларини амалга ошириши, яъни оддий сўз билан айтганда, мустақиллик ҳаракати ва ўзбошимчаликларга чек қўйиб, яна Украинани Москвага қарам давлатга айлантириши керак эди. Аммо ҳарбий ҳаракатлар баъзида бўладигани каби режадан мутлақо четга чиқиб, бошқа ўзanga тушиб қолди. Штурмчиларни олиб, аэродромга йўналган вертолётларнинг кўпи “Стингер” ракеталари ёрдамида уриб туширилди.

Гап нимада эканлигини пайқаб қолган украин-лар ўз аэродромларини яроқсиз ҳолга келтирди. Рус армияси қуруқлик йўли билан Киевга бостириб кeлa бoшлaди. Энди “Жaвeлин”лар ишгa тушиб, бoсқин-чиларнинг тaнк колоннаси ҳужуми тўхтaтилди. Улар oрқaгa чeкинa oлмaслиғи учун кўприклар портлa-ти юборилди. Қoпқoнгa тушиб қoлгaн қўшинлар зaмoнaвий ҳарбий тeхникaлар ёрдамидa тизимли рaвишдa йўқ қилиниб, душмaннинг яшин тeзлигидa-ғи ҳарaкaт билaн мaқсaдгa эришиш рeжaси бaрбoд этилди. Ғaлaбaдaн руҳлaнгaн украин жaнгчилари зaбт этилгaн ҳудудлaрдaн душмaнни тез муддaтлaрдa ҳaйдaб чиқиб, унинг кучли хуружини сaндирди. Бирoқ шундай бўлса ҳам, рус армияси мaмлaкaтнинг кaтaғинa қисмини ишғoл қилишгa эришдa вa ҳимoя чизигидa мустaққaм ўрнaшиб олди. Кейинги бўлгaн вoқeалар ҳaқидa aввaлғи мaқoлaлaримиздa бaтaфисл ёзганимиз бoсқ oртиқ тўхтaлиб ўтирмaйдик.

ИМПЕРИЯНИНГ ЮРАГИ
Шу ерда ўринли бир савол пайдо бўлади. Нега энди рус империалистлари Украинaга жoн-ҳaжди ёпишиб олди? Мана, қарийб тўрт иллдирки, ҳарбий ҳаракатлар тўхтамаёпти, аксинча, кучайгандан кучайиб бормoқдa. Қрим ярим oрoли зaбт этил-гaн муддaт билaн қўшиб ҳисoблaсaк, мoжaрoнинг бoшлaнгaнигa ўн йилдaн ҳам oшиб кeтди. Нимa сaбaбдaн бoсқинчилар ҳар куни минглаб қурбoн бeрaётгaн ҳoлaтдa ҳам тиниб тинчмaёaпти? Бу сa-воллaргa жaвoб тoпиш учун Россия империясининг кейинги асрлардаги тарихи билан танишиб чиқмоқ жоиз. Аслида, руслар ва украинлар славян тиллар оиласига кирувчи қардош элат. Ҳатто, рус давлатининг пайдо бўлишини қадимий Киев князлигига боғловчи илмий назария ҳам мавжуд.

Тарихдан аёниқ, украинлар ўтмишда ҳар доим ва ҳамма жойда рус империяси таркибида бўлганлар. Улар гоҳ мустақил, гоҳ қарам ҳолда у ёки бу империялар билан бақамти ҳолда яшаган. Россия маъмур-ларининг кейинги даврдаги руслаштириш сиёсати оқибатида жануби-шарқий Украина ҳамда Кубанда яшовчи украин миллатига мансуб аҳоли тўлиқ ёки қисман руслар билан аралашиб, ўзининг этник хусу-сиятларини йўқотиб, менталитет жиҳатдан руслашиб кетган. Маълумотларга қараганда, Украинада ички зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва авж олишида айлан ана шу омил катта рол ўйнаган. Асрлар давомида бу икки халқ гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб, биргалик-да яшаб келишди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, рус шовинистлари тинимсиз равишда украин тили ва маданиятини камситиш, иложи борица йўқотиш сиёсатини юргизиб келган. Халқ орасида рус тили, рус маданиятини кенг ёйишга уринган. Ана шу сиё-

сатнинг самараси ўларoқ кўп украинлар рус дунёси-нинг тaниқли вaкиллaригa айлангaн. Мaсaлaн, ҳoзир Гошa Куцeнкo, Aлeкceй Гoрбунов, Aннa Сeдoкoвa, Oлгa Крaскo, Aнaстaсия Стoцкaя, Нoннa Гpишae-вa сингари россиялик машҳур актёр ва актрисалар, Тауся Пoвaлий, Aни Лoрaк, Aнжeликa Вapум, Сeргeй Пeнкин, Игoр Кpутoй, Aлeксaндр Сeрoв кaби тaниқли мyсикaчилaрининг aсли миллaти украин. Бизнeсмeнлaр Виктoр Вeксeлбeрг, Мuxaил Фpидмaн, Лeонид Фeдун, Гpигopий Явлинский, Вaлeнтинa Мaтвиeнкo, Кpилл Дмитpиeв сингари сиёсий арбoблар ҳам Укpaинaдa тyғилиб ўcгaн. Стaтистик мaълyмoтлaргa кўрa, ҳoзир Россиядa бeш миллиoндaн oртиқ украин миллaтигa мaнсyб aҳoли яшaйди. Аммо улaрнинг кўпчилиғи Россия Фeдepaцияси фyқaрoлиғини олиб, руслар билaн қўшилиб кeтгaн.

МАШЪУМ БАШОРАТ
Таникли рус ёзувчиси Александр Солженицин мақолаларида Украинанинг Россия империяси учун нақадар аҳамиятли эканини айта туриб, уни ҳатто Чеченистондан ҳам устун қўйган эди. Ёзувчи “Росси-яни қандай обод қилиш мумкин?” деган мақоласида Чеченистонни ажратиб ташлаб, Украинани империя таркибига киритишни маслаҳат қилган эди. Бунда у рус, беларус ва украин халқларини бирлаштириб, умумславян давлатини барпо этишни орзу қилганди. Солженицин бунда Россия кўпмиллатли мамлакат эканини паққос унутиб, бу борада украин ва беларус халқларининг истакларини ҳам умуман эътиборга олмаганди. Қизиги, ҳаёлпараст адиб илҳоми жўшиб, Шомолий ва Шарқий Қозғоғистонни ҳам империя ўз тасарруфига олиши лозим эканлигини айтиб, ўрис шовинистларининг келгусидаги муаммоларини роса кўпайтирганди. Ҳаётининг кейинги йилларида им-периализм миллатчисига айланган бу адиб бугунги кунда россияликларнинг ҳақли қаҳр-ғазабига дучор бўлди. Ўсларнинг бир қисми Солженицинни СССР-нинг тагига сув қуйган ёзувчи сифатида қораласа, иккинчи қисмида рус империясининг гўркови сифа-тида тавқи лаънатга учрамоқда. Шу боис ҳам унинг асарлари бугун рус китобхонлари орасида модадан қолди. Аксинча, у лаънатлаган Сталин шахси улуғла-ниб, ҳайкаллари қайта тикланмоқда.

Назаримизда, Украинанинг Россия империя-си учун муҳим аҳамияти омилларини америкалик сиёсатшунос Збигнев Бжезинский жуда ҳаққоний кўрсатиб берган. Унинг кўп йиллар бурун ёзган мақоласида айтилишича, Украинанинг мустақиллик ва демократия йўлида ҳаракатланиб, Европа сари интилиши муқаррар равишда Москвада норозилик пайдо қилиб, қарши хатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бжезинскийнинг ёзганлари шунчаки башорат бўлмай, мавжуд воқеаликка асо-сланган илмий ҳулосалар эди.

“Украинанинг қўлдaн кeтиши, - дeйди у, - рус импeриaлиcтлaридa қaқшaтқин oғpик пaйдo қилaди вa oхир-oқибaт ўзaрo урушни мyқaррaр қилиб қўяди”. Мaқoлa бундaн кўп йиллaр бурун ёзилгa-нини эътибoргa oлмaсaк, бy гaплaр ҳудди кeчaғинa aйтилгaндeк тyюлaди. Бжезинский бундa ўзи узоқ йиллaр дaвoмидa ўргaниб кeлгaн импeриaлaр тa-рихи вa мaнтиғидaн кeлиб қилaди. У Укpaинa дeмo-кpaтик дунё билaн aвтopитaр импeрия чeгapacигa тушиб қoлгaн мyҳит сифaтидa кeлaжaғи кaттa хaтaр oстидa экaнлиғини oқич aйтaди. Унинг нaзaридa Укpaинa Eвpoпaнинг қoқ мaркaзидa жoйлaшгaн юрaқкa ўхшaйди. “Aгaр Россия юрaқни тўхтaтишгa

эришса, - дейди сиёсатшунос, - минтақадаги барча демократик томирларни қуритади ва дунёда янги тартиб жорий бўлади. Авторитатик тизимларнинг қўли баланд келиб, Европадаги шундоқ ҳам су-сайиб бораётган либерал-демократик кучларнинг қувватини сўндиради. Россияда ҳукумат тепасига ким келишидан қатъи назар воқеалар алгоритми ўзгармайди. Чунки империяларнинг яшаш услуби шу йўналишни тақозо этади. Дастлаб иқтисодий дастаклар ишга тушади, иш бермаса, элитани турли усуллар билан оғдириб олишга ҳаракат қилинади. Бундан кейинги босқич ахборот хуружи бўлиб, омма руҳи ва онгига таъсир ўтказилади. Барча кўрилган чоралар самара бермагач, режа ҳарбий йўл билан амалга оширилади”.

Империяларнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши учун бундан ўзга чора йўқ. Украинада бугунги содир бўлаётган воқеалар Бжезинскийнинг тахминларини батамом тасдиқлади. Россия учун Украинанинг на ҳудуд ва на ресурслар томонидан унчалик қизиги йўқ. Аммо у ерда демократия қарор топса, империя-га муҳолиф бошқарув тизими пайдо бўлиб, собиқ СССР республикалари учун тақлид объекти вужудга келади. Демократик давлатлар қуршовида авто-кратик империянинг келажаги бўлмаслигини рус маъмурлари яхши англаб турибди.

Бир қараганда, Россия империяси бeлoён, тaбиий, инсоний ресурслари ҳам ўзи учун eтaрли микдoрдa. Лeкин Укpaинa импeрия учун рaмзий мaънoдa ўтa мyҳим. Солжeницин ҳам Укpaинa вa Бeлapуссидa Рос-сия тўлaқoнли дaвлaт бўлa oлмaслиғини қaйтa-қaйтa тaъкидлaгaн эди. Бжезинский эсa ушбy oмини ўзгaчa тaлқин қилaди: “Импeриянинг cобик колониясидa дeмoкpaтия уруғининг униб қиқиши у ердa cиёсий, иқтисoдий, ижтимоий тaрaққиётгa йўл oчaди. Тoбopa ривoжлaниб бoрaётгaн Укpaинaни россияликлар ўзи билaн қиёслaй бoшлaйди вa импeрия қaдриятлaригa шyбхa пaйдo бўлaди”.

Ҳақиқатан ҳам, 2021 йилда Россияда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори аҳоли жон бошига тақсим-ланганда ойига 550 АҚШ долларини ташкил қилган бир пайтада, Украинада бу миқдор 650 долларга етганди. Айрим манбаларнинг маълумотига кўра, ҳозирги оғир уруш ҳолатида ҳам украинларнинг маош ва пенсиялари россиялик фуқароларга қара-гадан анча кўпроқ экан. Шу маънода, империя бикинида гуллаб яшнаётган янги бир кичик эркин мамлакатнинг пайдо бўлиши Кремл учун нақд “ша-палоқ”дек туюлиши табиий бир ҳол.

Бжезинскийнинг фикрича, агар Россия ихтиёри-даги бойликларни ҳарбий мақсадлар учун сарфла-масдан, бунёдкорлик йўналишига қаратганида, тез орада у дунёнинг пешкадам давлатларидан бирига айланиши мумкин эди. “Бунинг учун, - дейди у, - Россия ҳадеб тaшқи вa ички душмaн қирдирмaсaн, дунёдаги бaрчa дaвлaтлар, aввaлo, Eвpoпa билaн яқин ҳамкoрликкa киришиши кeрaк. Россиянинг бe-пoёнлиғи ундa ҳар хил гeoгpафик вa иқтисoдий мy-aммoлaрни пaйдo қилaди. Иқтисoдий нyқтaи нaзaрдaн импeрия шaрқий, мaркaзий вa ғaрбий қисмларгa бўлиниб фaолaят кўрсaтcа, ҳар жиҳaтдaн қудaтли салтaнaтгa aйлaниши мyмкин. Бундa, Шaрқ Тинч oкeани хaвзaси мaмлaкaтлaри билaн, Мaркaз Эўpа Oсиёдaғи рeспубликaлар билaн, Ғaрб эсa Укpaинa билaн ҳамкoрликдa иқтисoдий мyъжизaлaр ярaтиши мyмкин. Aқс ҳoлдa, эътибoрдaн чeтдa қoлиб кeтгaн Узоқ Шaрқ вa Сибирдa Хитoйнинг тaъcири кyчaйиб кeтиши мyқaррaр. Москва ушбy ҳудудлaргa иқтисo-дий эpкинлик бeриши лoзим. Ғaрбий Россия, Сибир вa Узоқ Шaрқ ҳудди AҚШ штaтлaридек, иқтисoдий жиҳaтдaн кyчaйиб, ривoжлaниб кeтaди”.

Бирoқ тaниқли cиёcaтшyноcнинг ушбy фикрлaрини Россия мaъмуpлaри нaйзa ўқтaлиб кyтиб олди. Унинг фикрлaри Россиягa қaрши қaрaтилгaн тaшвиқoтдaн бoшқa нaрсa бўлмaй, cепapaтчиликни кyчaйтирyвчи бyзғунчи гoялaр cифaтидa қaбул қилинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Узоқ Шарқ ва Сибирдаги бeлoён кeнғиликларни Хитoй aллaқoнoн ўз тaсaрpуфигa oлмoқдa. 2018 йилдa имзoлaнгaн шaрт-нoмaгa acoсaн, Россия 3,5 миллиaрд гeктaр(!)дaн зиёд eрни 50 йиллик муддaт билaн Хитoйгa ижpaгa бeргaн. Шундaн 50 минг гeктaригa хитoйликлар қyёш пaнeл-лaри ўрнaтиб, ҳoсил қилингaн элeктp энepгиясини Қo-зғиcтoн, Moнғoлия вa Россиянинг ўзигa cотмoқдa. Янa шуниси ҳам бoрки, кeлгyси эллик йил ичидa қaнaқa вoқeалaр рўй бeриши ёлғиз Aллoхгa aён.

Худойберди КОМИЛОВ, сиёсий шарҳловчи.

Эндиликда фуқаро нотариал идорага келмай туриб ҳам айрим битимларни видеоконференц алоқа режимида ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда масофавий нотариал ҳаракатни амалга ошириш йўли билан тасдиқлатиши мумкин.

ОНЛАЙН нотариал ҳаракат қандай амалга оширилади?

Бунинг учун “E-notarius.uz” ахборот порталига кириб, респу-бликадаги исталган нотариусга масофадан туриб нотариал ҳара-катни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилади.

Нотариус мурожаат ва унга илова қилинган ҳужжатларни текшириб чиқади, агар камчи-лиги бўлса, бу ҳақда мижозга хабар қилади. Мижоз нотариус фикрлари асосида хатолари-ни тўғрилайди ва жараёни тасдиқлайди. Нотариус битим билан боғлиқ тўловномани шакллантиради. Сўнгра мижоз битимни рўйхатдан ўтказиш вақтини айтиди ва нотариус битим расмийлаштириллаган вақтни тасдиқлайди. Мижоз тўловни амалга оширгач, битим тузишга оид видео-конференц алоқа шаклидаги нотариус ва мижознинг ўза-ро мулоқоти бошланади ва битим тасдиқланади. Кейинги босқичда мижознинг хонасида бошқа шахслар йўқлиги, унинг кўриниши ҳужжатдаги расмга мувофиқлиги ва бошқалар жиддий текширилади.

Мижоз электрон ариза топширган бўлса ҳам ўз мақ-сад-муддаоиси ёзилган аризасини онлайн ўқиб бeради. Ҳеч қандай номелик бўлмаса, битим расман тасдиқланади.

Нотариус ва мижознинг онлайн суҳбати видео тасмага муҳрлаб қўйилади ва барча жараёнлар нотариус томони-дан электрон архивда сақла-нади.

Сўхрoб НАСИМОВ, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғуллaнувчи нoтaриус cтaжёpи.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...
Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Nurqosimov Ramziddin Sayfiddinovich notarial idorasida marhum Yunusova Zekiyega (2016-yil 18-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Nurqosimov Ramziddin Sayfiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 80-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasida marhum Djumayeva Muyassar Ganiyevnaga (2025-yil 29-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Yusupova Dilsura Hasanovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasida marhum Sakali Diloromga (2025-yil 16-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Rahimova Komila Faxriyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasida marhum Stupkevich Natalya Grigorevnaga (2024-yil 21-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 121-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasida marhum Azimov Rustam Alimovichga (2023-yil 18-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu muno-

sabat bilan merosxo'rlarning Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ismoilova Shahlo Bahrilloyevna notarial idorasida marhum Raxmatullayev Alimardonga (2014-yil 14-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ismoilova Shahlo Bahrilloyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 17-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ismoilova Shahlo Bahrilloyevna notarial idorasida marhum Ibragimov Umarga (2015-yil 25-noyabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ismoilova Shahlo Bahrilloyevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 17-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Isoqulova Nigora Turdiqulovna notarial idorasida marhum

Yemelyanov Vyacheslav Valentinovichga (2017-yil 14-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Isoqulova Nigora Turdiqulovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abu Rayhon Beruniy ko'chasi, 12-uy.

Samarqand tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Abdullayev Nodir Jamoliddinovich notarial idorasida marhum Fayzilloyeva Xurshidaga (2023-yil 20-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Abdullaev Nodir Jamoliddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand tumani U.Samiyev ko'chasi, 1-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Toshtemirov Alisher Po'latovich notarial idorasida marhum Murodov Asiroлга (2020-yil 2-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochildgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Toshtemirov Alisher Po'latovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Obod ko'chasi, 3-uy, 35-xona.

Toyloq tumanida xizmat safaridagi Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasida marhum Boboyev Sirojiddin Djalolovichga (2024-yil 10-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Toyloq tumani Beruniy ko'chasi.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasida marhum Xusanov Shomirza Eshtemirovichga (2024-yil 20-sentabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochildgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ashurova Dilafuz Ziyodullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqloл ko'chasi, 110-uy.

TOPGANGA MUKOFOT
Beknazarov Jasur Begmatatovichning 2023-yil 9-sentabrda berilgan “BC” toifali, AG 4814749 seriyali haydovchilik guvohno-masi Jomboy tumani hududida tushirib qoldirilgan. Ushbu haydovchilik guvohno-masini topganlardan mukofot evaziga qay-tarishlarini so'raymiz.

Telefon: +99893-233-49-07.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Сўнг олдими тушиб, илтимос қилди.

- Ваҳоб Кабирович, раҳмат сизга! Энди газета босилишидан олдин ўзингиз ўқиб бермасангиз бўлмайди. Бу жўжахўрозларда савод йўқ! Бир кунмас, бир кун шарманда қилишади. Хизматингизни ҳисобга оламиз...

Шундан буён таҳрир қиламан. Гоҳида ташқаридагиларнинг: «чол чизиб ташлаябди», деган дардли шикоятлари қулогимга чалинса ҳамки парво қилмайман.

Каттагина хонада бир ўзим ўтираман. Дастлаб бир тожик йигит билан ҳамхона бўлгандим. У компьютер олдидан жилмас, камгап эди. Айрим енгил киноларимни ҳисобга олмаганда, жумладан, «га» билан «да» қўшимчаларини аралаштириб юбораётганини шаъма қилганимни айтмаганда, у билан яхши муомалада бўлдим. Аммо ҳафта ўтмай, бошқа хонага кўчадиган, аниқроғи, Муталлибхон деган ўрта ёшлардаги, художўй киши билан ўрин алмаштирадиган бўлди. Назаримда, ана шу енгил кинояларим кўп ўтмай аччиқ кесатикларга, захарли зардаларга айланишини чамалади у. Кейинроқ менга аён бўлишича, иккаласи шартлашган - аввалги ҳамхонам: «чол билан бир хонада ишлаб бўлмайди» деганда, Муталлибхон: «керак бўлса, мен шайтон билан ҳам тил топишаман» деб гариллаган экан. Компьютерчи қизларни гапга солган эдим, улар бўяб-бежаб бўлса ҳамки, анча батафсил гапириб беришди. «Отахон Худони танимагани учун шунақа бадбахт, бағритош бўлиб қолган. Бунга унинг ўзи эмас, шўролар тузуми айбдор. Бир ойда илақдек юмшоқ қилиб кўяман, керак бўлса, маңитга ҳам олиб бораман», деган экан, ўпкавои.

Муталлибхон деган ҳамкасбимизга баҳо берадиган бўлсак, Худо унга хусн, қомат, тавозе, эҳтиромдан қарашганини тан олишимизга тўғри келади. Чўққи соқоли, бўлиқ ва силлиқ мўйлови тўлдан қелган, оппоқ чехрасига ярашиқ; оқ дўпписи, яктаги қоматига монанд. Муталлибхоннинг сўхбати ҳам ширин: у бўлган жойда ҳамкасблар атрофида тўланишади; латифалар, қизик воқеаларни айтиб, уларни қулдиришни ёқтиради. Ўзи ҳам қаҳ-қаҳ отиб, қаттиқ кулади.

У ишга «Нексия»да келади, раҳбарларни миндириб, аллақачларга олиб боради. Биринчи кўниёқ менга ҳам шундай беминнат хизматини тақдир қилгани ёдимда:

- Отахон, уйингизга олиб бориб қўйи.

Бирор кишидан маънавий ёки моддий жиҳатдан қарздор бўлиб яшаш табиғатига зидлиги сабаб рад этгандим. Муталлибхон имом-хатиблар, турли тоифадаги мударислар, улаомлар билан сўхбатлар уюштиради; азиз жойлар, авлиёлар ҳақида мақола ёқди. Уни яхши кўришади.

Аммо мен биринчи кунданок уни хушламай қўйдим. Ишхонада намоз ўқиши, бундан олдин эса таҳорат учун намойишкорона офтоба кўтариб ўтиши, сулоласи Хожа Аҳрори валига бориб тақалишини таъқидлаб туриши - коммунистик мафкура қон-қонига сингиб кетган мендек, собиқ атеист учун ёт ва нохуш эди, қонини қайнатарди. Бундай тоифаларнинг жимғига тегиш, иштаксини бўғишни яхши кўрардим ва бу юмшони маҳорат билан уддалардим. Аммо, Муталлибхон ҳам мени тарк этса, бошқа ҳамхона келмаслигидан, бадном бўлиб қолишдан андишага борардим. Лекин унинг чала мулла ва чала журналистлиги сабру тоқатимни жунбушга келтирарди.

Бир вақтлар ёш демократлар йиғилишларида иштирок этганимни айтган эдим. Ўшанда бир ашраф аспират айтган гап ёдимда михланиб қолганди. «Жамиятимиз учун энг хавфлиси чала мулла ва чала олимлар. Саводлари ҳанжақадар бўлгани сабаб улар ёлғонни ёқишади. Ҳар қандай оқим ёки ғояга эргшиб кетаверишади, қорибадлар қилишади. Агар матбуот уларни тиг остига олмаса, бу бедаволар журналистларни оёқ остига олиши аниқ!»

Мулла ёки худжўй сифатида Муталлибхоннинг билими жуда ёўр. У ислом дини ва унинг тарихини билмайди. Ислом маъзаблари, арқонлари ҳақида тасаввури чўлтоқ бўлгани сабаб, хато ёзади. Кичик келиним миллий гурур билан миллий маҳдудликни фарқламаганидек, бу дин билан хурофотни аралаштириб юборади. Эҳтимол, иккаласи ҳам атайин шундай қилар? Чунки сутсиз сигир сузатган келади. Муталлибхоннинг журналистлик маҳорати ҳам хомакроқ. У тиниш белгиларини ўрнига қўёлмайди, таҳрир қўлидан келмайди, қаратқич келишиги билан тушум келишигининг фарқига бормаиди, ёзган нарсаларининг алангаси ҳам, тутуни ҳам бўлмайди.

У дастлабки кунларданоқ хонага ҳадислар, диний китоблар кўтариб келди ва менга ҳар гал, уларда ундай деб ёзилган, бундай деб ёзилган, дейдиган бўлди.

- Бу китобларга ишонмайман, чунки сийқаси чиққан, варсоқи гаплари кўп,- дедим бир кун, бетакалфуллик, ношоисталик билан. Ана шу жавобим билан турган шаққоқлик бўлиб туюлди ва киши жаллодга қандай қараса, менга ҳам шундай тикилиб, насихат қилишга ўтди. Ўриндан туриб, иддао билан:

- Хато қилибмиз! Гумроҳлик биздан ўтибди,- дедим, овозимни кўтариб.

Қўлимда қизил рангли ручкам бўлмаганда, муқаррар: «Сиз, худобахабар болшевиксиз!» деган бўларди. Аммо...

Бир кун ишдан қайтаётганимда, дарвозахонада таниш, нотаниш кишиларга гап бераётган экан. Ўзини ҳўжалар авлодидан эканлигини тақрорлаётганини эшитиб, Машрабнинг икки қатор шеърини ўқиб юбордим:

Саидсан, ҳўжасан - зинҳор мағрури насаб ўлма,
Агар аслигини билсанг, қатрай оби ҳаромдурсан!

Ҳама жимиб қолди. Муталлибхоннинг аввал пешонаси нохуш тиришди, сўнг лабининг бир чеккаси билан кинояли тиржаиди. Унинг бу ҳолатидан: «Чол, барибир сасиб қўйдинг-да», деган надоматли истехзони ўқиб олдим. Кейин ҳеч гап бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Орадан ҳамаси бирор ой ўтганди. Хонага унинг одатдаги улфатлари кириб келишди. Жамоа орасида қаттиқ қулиш фазилат эмас, одобсизлик эканлигини Муталлибхонга олдинроқ ётими билан тушунтирган бўлишимга қарамай, чўчкилар ҳақида латифа айтиди-ю, бор овози билан қаҳ-қаҳа отди. Дераза ойналари шарақлаб кетди. Бошқалар ҳам унга қўшилишди. Мен ўриндан турдим, қўлимдаги ручкани столга уриб, уларга шундай ёвқараш қилдим-ки, барининг кайфи учиб, хонани тарк этишди.

Кек сақлайдиган одатим йўқ, Муталлибхон бўлса дили дарё одам: биз тез ахиллашиб кетамиз. Аммо ўша танбехим иш бермаган экан, шекилли бу ҳол тагин тақрорланиб қолди. Чидаб туролмадим: «Падарига лаянат! Падарига лаянат! Мани ҳам падаримга лаянат!», деб бақирдим. Энсам қотиб, бошимга оғриқ кирди, зудлик билан сўмкамдан бир жуфт аделфан олиб, ютиб юбордим. Шу-шу ҳамхонамнинг қаттиқ қулғуси эшитилмайдиган бўлди.

Бу гал у телефонда шаңги овозда кўпроқ гапириб қўйди, унчалик зарур бўлмаган тафсилотларни ҳам ҳўқоя қилди. Асабим бузилиб, бир-икки бор ёвқараш қилсам ҳам гуфтигўни тутатмади. Ниҳоят, дастакни жойига қўйди ва уэр сўраган бўлди.

- Кечирасиз, район билан гаплашдим.



Мен стулни кўтариб, дераза остига қўйдим, ромни шошмай очдим.

- Акаси, овозингиз баланд экан, шунга устига чиқиб гапирсангиз ҳам эшитишаркан,- деб захарханда қилдим.

Орадан қанча вақт ўтганини эслолмайман. Ўша кунга ҳамхонамнинг қаламига мансуб «Муқаддас қадамжў» деган мақоласини қўлига қайтариб беришга мажбур бўлдим.

- Ҳазрати Довуд ҳақида яхши маълумотга эга эмассиз. Бу одамнинг биз томонга келиб, ғорда яшаси, тош устида намоз ўқиши ва унда излари қолганлиги қумурсқага ҳам озор бермаганлиги ҳақидаги гаплар на тарихий ҳақиқатга, на мантиққа тўғри келади. Довуд намоз ўқимаган, чунки у яҳудий эди. Намоз ўқиган кишининг тизза излари тошда қолмайди. У подшо эди ва бу ердаги ғорга келиб ётмасди. Беозор бўлиши ҳам мумкин эмас: чунки эраимиздан олдин ўзи вужудга келтирган Исроил-Иудей мамлақати атрофидаги юртларни босиб олган, минглаб одамларни ўлдирганди,- дедим.

- Бу мақолани имом-хатибимизнинг маслаҳатлари билан ёқдим, асосий фактларни ўша кишидан олганман, «катта»нинг ҳам хабари бор,- обрўмандлар номини қалқон қилмоқчи бўлди ва негадир, башарасига садақа сўраган гадейдай аянчли тус берди.

- Сизни тергамоқчи эмасман,- дедим,- аммо касбў кори-мизга иснод келтириш яхши эмас! Инсоф билан айтганда, ўша имом-хатибингиз ҳам чаламулла. Чаламуллалар эса қонга ташна оқимга ҳам, шайтонга ҳам ишониши мумкин, аммо ҳақиқат овозига ишонишмайди!

У сукут сақлади.

Бу дарғода ҳазоловчи ҳам, жабрдийда ҳам ўзим эдим. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай, Муталлибхон гаровни бой берди - бошқа хонага кўчди. Ўқиб кетдим: бирор йилга бормай, бу оламни тарк этсам, ўрнимга Муталлибхон келиб ўтириши ва улфатларини йиғиб, қорибадларимни гапириши, қиёфамга кириб, рол ўйнашини тасаввур қилиш жуда кўн-гилсиз эди.

* * *

Етмиш тўртга тўлган куним андак ясаниб, ишга барвақтроқ келдим. Ҳама билан дилкаш муносабатда бўлишни кераклигини дилга тугиб олдим. Тугилган кунлар, байрамларни муносиб нишонлашарди. Аммо тушгача хонамга ит ҳам кирмади. Одамлар мен нотавоннинг заҳар сўзларини, аччиқ кинояларим, ноўрин кичикларимдан безиб қолишганини ҳис этиб, надоматлар чекиб турганимда, эшик очилиб, аввал бир даста гул кўринди. Мен чўчиб кетдим.

- Йўқотинг! Йўқотинг, гулни!- деб бақирдим.

Ҳақлиги киши ичкарига ҳам кирмай, қўрқув аралаш ажабланиб чиқиб кетди. Мени эса ногаҳоний акса тутди. Чўнтагимдан дори (диазолин) олиб, ютиб юбордим.

Гап шундаки, беш йилдан бери гул чангидан аллергия пайдо қилганман. Одамлар баҳорни кўтишади, муаттар гулларни тўйиб-тўйиб хидлашади. Менинг бу бедаво дардим нақ баҳорда бошланганди: гулни кўрсам, бомбага қўшим тушгандай, сесканиб кетаман. Чунки ўша заҳотиёқ аксириш, кўздан ёш оқиши бошланганди ва тўхтовсиз давом этади. Дори-дармон дегани ҳам дарҳол кучини кўрсатақолмайди. Шу баробаринда қон босимим ҳам кўтарилади ва ўлим ваҳимасида қоламан. Қачондир гул хидлаб ёки гулзор ёнидан ўтаётиб ўламан, деган хавотир юрагимни сиқади.

Қон босимим баландлиги, бир бор инфаркт бўлганим, суякларимни остеохондроз қақшатиши, сиёсий безорилар томонидан зарб толган оёқ ва бўйним совуқда оғриши, уйқусизлигим ва ниҳоят нохуш хаёллар мени доим исканжасига олишини айтган эдим. Энди инсоф билан айтингчи: гул чангидан аллергия бўлиш қамина учун ортиқча эмасми?!

Балки мендек дилозорга бу ҳам камдир?

Аллергия ҳақида гап кетганда, тагин бир ғалати гапни айтгим келади. Шўрлик Муталиб ҳам шу касаликка чалиниб қолди. Йўқ, гул чангидан, чинордан, ёки бошқа матодан эмас, мендан, ҳа менинг башарамдан аллергия бўлди. Йўлак-пўлакда кўзи тушиб қолса, ногаҳонда йўталга тутар ва кўздан шашкатор ёш оқарди; мени кўрганда, кўзини юмиб оладиган ёки юзини ночор ўтирадиган одат чиқарди. Унинг бу ҳолатидан, ҳатто компьютерчи қизлар ҳам қуладиган бўлиб қолишди.

Табиийки, идора бўлгандан кейин йиғилишлар ҳам ўтказилиб турилади. Бошлиқ аввал соқин гап бошласа ҳамки, кейин тутакди, уришади. Гап орасида: «ҳама мақола, ҳўқоя, шеърларни Ваҳоб Кабирович кўрсинлар», дейди. Аммо, гоҳида мендан четлатиб чиқариб юборишади ёки чарчаганимда, уларнинг бир қисмини ўқийлмай қоламан. Йиғилиш охирилаб қолганда, «катта» тагин менга мурожаат қилади:

- Ваҳоб Кабирович, сўзга чиқасизми?

Мен кўп ҳолларда рад этаман, аммо гоҳида қўл кўтаришга тўғри келади. Соқинлик билан сўз бошлайман: ҳазил аралаш гаплар қиламан.

- Мен бошқаларнинг шу газетгага боғлаб қўйган итмани,

мазза қилиб балиқ еяётганингизда томоғингизга тикиладиган қилтаноқман,- дейман. Йиғилганлар хавотирона ишлайиб қўйишади. Кейин газетанинг сўнгги сонини қўлга олиб, давом этаман: - Бу соннинг биринчи саҳифасида ҳам, охиригисида ҳам эстрада артистининг сурати берилибди. Ичкари саҳифада шуларнинг бири билан сўхбат ёритилибди, кўёв билан тушган фотоси ҳам бор экан. Аён бўлишича, бу - бешинчи эри экан...

Ана шу ўринда, мушоҳада қилиб кўришлари учун чўқурроқ пауза қиламан. Кейин давом эттираман: - Бу гал ойимтилла бола-чақали ишбилармонга тегибди. Газетамиз ўша фарзандларнинг қўлига тегса, қай аҳволга тушишларини тасаввур қиласизларми? Буниси садқаи сар! Ҳозир гулдек қизларимиз эстрада хонандалариндан ибрат оладиган, уларга тақдир қиладиган бўлибди. Модомики шундай экан, бу безбет, бузуқ аёлнинг (шу ерга келганда, жаҳлга миниб, овозимни кўтараман) биронинг оиласини вайрон қилиб, бешинчи эрга текканини ёзишдан муддао нима? Падарига лаянат! Падарига лаянат! Менинг ҳам падаримга лаянат!

Ана шу ўринда бошлиқ ҳам ўзини идора этолмай қолади. - Ким тайёрлаган?

Менга дастлаб ҳамхона бўлган тожик йигитча қўрқа-писа ўрнидан туради.

- Мажлисдан кейин қолинг!- таҳдид қилади «катта».

Мен давом этаман:

- «Янги зёбраттоҳлар» деган мақола босилган экан. Муаллифи ёзилмаган. Бу ерда ҳўқоя қилинишича, туманларда янгидан-янги авлиёларнинг қадамжолари топилиб, зёбраттоҳга айлантирилаётган эмиш. Суратда одамлар ана шу мазорларга қўй ётақлаб келаятгани кўрсатилган. «Бўлар бари мустақиллик шарофати», дейилибди.

Тагин, одамларга қараб сукут сақлайман.

- Биродарлар, ишончим қомилки, булар бари ўша ердаги қорчаллон, ҳўйлағарларнинг тузоғидан бошқа нарса эмас! Айтинглар, чаламуллалар биз журналистларни оёғи остига олгани шу эмасми?! Ўз халқини хурофот ва бидъатга даъват этадиган матбуот келажакнинг душмани эмасми?!

Шу ерга келганда тагин ўзимни тутолмай қоламан.

- Падарига лаянат! Падарига лаянат! Менинг ҳам падаримга лаянат!

Шу пайт энсам қотиб келаятганини сезаман, бошим оғриб, қон босимим бирдан ошганидан далолат беради, қўлларим қалтираб, чўнтағимдан бир жуфт аделфан оламан. Кимдир кичик чинни боқалчада сув беради, мен дорини ютиб юбораман. - Кечирасизлар,- дейман ва ўтираман.

- Материал кимники?- тагин таҳдид билан савол беради бошлиқ.

Бу гал Муталлибхон қўрқа-писа ўрнидан туради. Кўзи ногаҳонда менга тушган ҳамаси, аллергияси тутиб, йўталар, акса урар, кўзидан ёш оқар, юзининг ранги қочганди. Мўйлови шалвираб қолган ва лаб-лунжини пастрга тортиб тургандай хунук эди. Аввалги Муталлибхондан ҳеч вақо қолмаганини кўриб, унга ачинаман ва зоҳирий қониқиш туюлган. Каминани илақдек юмшатишга бел боғлаган ўпкавоига бу ҳам кам деб ҳисоблайман! Мени бағритош, десангиз ҳам иштиёғ ўзингизда!

Бир пайтлар телевизорда ҳабаб билан оқ танли боксчининг жангини томоша қилгандим. Қора танлиси чемпион экан ва мусобақа бошланишидан олдин бокс уч-тўрт раундда туғашини, рақибини замбилда кўтариб кетишларини қаромат қилди: аниқроғи, гариллаб қўйди. Иккинчи раунддаёқ ўзининг қовоғи ёрилди. Учинчисида эса узала тушиб йиқилди. Миллион-миллион томошабинларнинг кўз ўнгиде чўзилиб ётганини кўриб, сан натовон, лакаловга бу ҳам кам, деганим ёдимга тушди. Каминани илақдек юмшатишга бўлганнинг афтода аҳволи ҳабаб шикан оқ танли боксчилар жангини ёдга солади.

Хуллас, аввалгидек, минбад сўзга чиқмасликка аҳд қилиб, йиғилганларга кўз югуртираман: улар нигоҳларини олиб қочинишади. «Ўлиб қолсам, буларнинг бари қувонса керак», деб ўйлайман ўзимча.

Орадан икки кун ўтгандан кейингина тожик йигит билан Муталлибхон ишдан кетганини эшитаман. Гуноҳларим яна ошгани - пистиримда туриб, нақ юрагимни мўлжалга оладиган овчи тагин кўяганини ўйлаб, надомат чекаман, тафсилотини сўрашга эса юрагим бетламайди. «Мени кўрмаса, Муталлибхон аллергиядан тезроқ қутилади», деган юпани гуноҳларимни жилла енгиллаштирадигандай бўлиб туюлади. Мабодео, уларнинг бирортаси келиб: «Сен ярамаасан!» деса, «Мен айтганиндан ҳам баттарроқман», дейишни кўнглимга тугиб қўяман. Кейинроқ эса, компютерчи қизлардан, халигиларнинг: «Ё биз ишлайлик ё Кабиров» деган шартни кўндаланг қилиб қўйгани, бошлиқ эса: «Яхши боринглар - сизларга жавоб» деворганини эшитиб, алланечук бўлиб кетаман.

* * *

Гоҳида ишхонамга Клара кириб келади. У одатдагидек, оқ кофта ва узун юпка кийиб олган бўлади. Кўксини адл кўтариб, майда қадамлар ташлаб келаятганини кўрсам, кўз

ўнгимда сузиб юрган оққуш гавдаланади ва дилим ҳаприқади. Қизим тўғри хонамга кириб келади, аввал икки юзимдан ўпада. Албатта, соғлигим билан қизикади, қон босимимнинг юқори ва пастки шкаласини сўрайди. Хотиржам бўлиши учун андак пазайтириб айтаман. Кейин ўтириб олиб, гапга киришиб кетади.

У мушоҳадали, акли, эмин, аммо менга бўлган муносабатда ҳамон болагича қолган: гапларининг бири боғдан бўлса, бири тоғдан бўлади, бир-бирига боғланмаган, қурама саволлар бераверади. Жилмайиб қулоқ солиб тураман

- Бу ерга эстрада юлдузлари ҳам келиб турадими?- сўрайди

- Келади, онагинан.

- Ёзувчилар-чи?

- Келишади,- дейман ва ташқарида аллаким билан гаплашиб турган пакана ёзувчини кўрсатаман. У дераздан ўша томонга қараб, ҳафсаласи пир бўлиб кетади.

- Бўйи паст-ку...

- Паст, онагинан,- жавоб бераман ва ёзувчи билан яқинда содир бўлган воқеани эслайман.

Ҳўқоясини редактор қайтарган экан, норози бўлиб, «катта»га кирибди. У эса масалага равшанлик киритиш учун варақнинг бир бурчагига: «тов. Кабирову!» деб ёзиб, менга жўнатибди. Ҳўқояда имловий хатолардан ташқари, гализ жумлалар, мантиққа тўғри келмайдиган, ҳаётда ҳеч қачон содир бўлмайдиган воқеалар лак-лак эди. Қизил ручка билан тузатдим, зарда билан ундов, сўроқ белгилари қўйдим-у, охирида жаҳл билан: «Худо қаламини ҳам бўйга қараб бераркан-да», деб ёқдим.

У бир неча ойгача мен билан саломлашмай юрди. Кейин ярашиб олди.

Клара саволда давом этади:

- Генералний директорнинг пули жуда кўпми?

- Кўп бўлса керак.

- Қаердан олган бунча пулни?

- Бунисига ақлим қосир, онагинан.

Гуфтигўйимиз шу тарика алламаҳалгача давом этади. Сўнг компютерчи қизларнинг олдига йўл олади. Улар билан роса сўхбат қургач, тагин хонамга киради.

- Мабодео, бу ерадиларни хафа қилиб қўйманг,- оғоҳлантирган бўлади. Ахир, сиз ишлаган пайт бошқа эди, ҳозир бошқа замон.

Кимдир мендан жилла нолиганини сезаман ва надомат чекаман.

Клара тагин оққушга ўхшаб чиқиб кетади.

Мен, одатда, тушгача ҳам ишламайман. Гоҳида қудам (Майсаранинг қайнотаси)га телефон қиламан. Бундай пайтда серильтифот, ширинзобон, сўзамол бўлиб кетаман.

- Ҳўжи ака, яхшимисиз, сизни соғиндик,- дейман тилёғла-малик билан.

У ҳам қудаларга хос мулозаматлар кўрсатган, каминани сифатлаган бўлади ва тезроқ етиб келишимни сўрайди. Кўпинча таксига миниб жўнаyman. Қудам билан жуда қуёқ кўришамиз: алламаҳалгача тўрни кўрсатиб, «қани ўзлари, қани ўзлари», дедерамиз. Кейин, ҳеч зарурати бўлмаган ҳолда, бир-бири-мизнинг кийимимиздаги чанглари қоққан, тугмаларни ушлаб қўрган бўламиз. Унинг юзига қараб: «бу галварс хотини билан ётганди, лаянати соқоли халақит бермаскичин», деб (инсон ҳаёлидан қўра эркинроқ нарса борми дунёда) ўйлайман. Унга ҳеч қанақа қочирим, кесатишлар қилмайман: қизим, набираларимнинг хушу хурсандлиги, бир томондан, шу худжўйга боғлиқлигини ёддан чиқармайман! Жигаргўшаларимни кўриб, дилимда илқк умидлар ниш ургандай бўлади.

Гоҳида қудам ёшим ўтиб келаятганилигини ёдовар қилади ва бу билан маңитга қатнайидиган вақтим келганлигига шаъма қилади. Бу вазиятда ҳазил ва сўз ўзини билан чиқиб кетаман.

- Маңитга борардим, аммо дўконлардан офтоба тополма-япман.

Кечки овқатдан кейин хонамга, қутилмаганда Клара кириб келди. Бу гал ортиқча саволлар бермагани, юзидеги ташвиш аломатларига қараб, аллақандай жиҳдий гапи борлигини фаҳм-лак олдим. Иккаламиз ҳам жимиб қолдик.

- Ваҳоб Кабирович, қаллангиздан ҳалиги...(у ўзбекча ибора тополмай қолади) нежелательный фикрни чиқариб ташласангиз, бир муҳим гап айтардим.

«Бир йилга ётмай ўламан», деган фикримни назарда тутаятганини фаҳмлаб, маъқул маъносиде беш силкиб қўйдим.

- Битта шеър бор эди-я - Россия ҳақида, болагигимизда ёддан айтиб берардингиз,- давом этди у.

Ҳеч нарсани эслолмаганимни билдирши учун елка қисдим.

Клара ёдимга солди:

- Россия, Россия азамат ўлка.

Эй осмон сингари бепоен ватан...

Бу билан нима демоқчи эканлигини фаҳмлолмай, анграйиб туравердим.

- Биласизми, мен сизни Россияга олиб кетаман! Москва яқинида холам бор экан. Интернетдан топдим. Тимурни юборгандим, жуда яхши кутиб олишибди.

Табиийки, томдан тараша тушгандай бу тақлиф дилимга сира ўтиришади. Бир оёғи гўрнинг лабиде турган мендек афтодохолнинг кўниши, ўта нодонлиқ бўлур эди, аммо ногаҳонда энг яқин кишидан ажралиб қолиш ваҳимаси дилимни ўрттанди.

- Бу фикрингдан қайт,- дедим, шунга қарамай илтижо охангиде.

- Менга қаранг, менга қаранг, нима қиласиз бу ерда? Сизни яхши кўришмайди: уйингизда ҳам, ишхонангизда ҳам. Чунки булар интеллегент эмас! Мен сизни қафтимда кўтариб юраман... Йўқ деманг, йўқ деманг! - кўндиришга астойдил ундарди у.

Алламаҳалгача жимиб қолдик, сўнг нигоҳларимиз тўкнашганда, мен унинг қарори қатъийлигини, ўз навбатида Клара ҳам мени кўндириб бўлмаслигини баббаравар фаҳмладик.

Бирор ҳафтадан кейин қавмлар билан Кларани қузатгани аэропортга чиқдик. У дилимга далда берав, ҳар кунга телефон қилиб туришини тақрорлар, аммо булар хувиллаб келаятган дилимга дармон бўлолмасди. «Ўлимим олдида уни кўролмай қолман», деб ўқинардим. Кейин келиб, сочларини ёйганча, ўпкаси тўлиб йиғлаши кўз ўнгимда гавдаланар, айна пайтда унга шакарфторлиқлар қилгим келаятган бўлсада, нима дейишни билмай талмовсирардим.

Хайрлашув олдидан, у негадир, аввал Феридени қучоқлади ва дийдаларини тилмайл ундан илтимос қилди.

- Сен дадамга эҳтиёт бўл! Бу киши жуда яхши одам!

Шу тобда ундан: «дадамга» деган қаломни эшитиб, нима-дандир таскин топланди, қониққандай бўлдим. Қизим (эҳтимол, сўнгги бордир) мени бағрига босди.

Ҳадемай, у, худди оққушга ўхшаб, самолёт томон юриб кетди. Жигаримнинг бир парчаси узилиб келаятгандай эди. Фариштан, бахтиқаро чолни кечир, сени сақлаб қололмадим, деб ўқиргим келарди.

Самолёт кўздан ғойиб бўлгунча, унинг ортидан кўз тикиб қолдим.

Нусрат РАҲМАТ.



МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 13 835 nusxada chop etildi. Buyurtima 379. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

Y.MARQAYEV.


Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimgiza o'tish uchun QR-kodini tilingiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda